

**Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини оширишда ва халқаро молия
бозорларида иштирок этишда ички аудитнинг аҳамияти****Райимжонова Гулноза Абураимовна**

Тошкент ахборот технологиялари университети «АКТ соҳасида иқтисодиёт»
кафедраси ўқитувчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аввало аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва албатта халқаро иқтисодиётда нуфузга эга бўлиш ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш ва бу орқали барқарор иқтисодиётга эришишни назарда тутди. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси улар яим нинг катта қисми халқаро корпорациялар хиссасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса бизда ҳам айнан ушбу амалиётни қўллаш ва жорий этиш иқтисодиётимизни мустаҳкамлашда энг муҳим қадам бўлишининг кафолатидир. Бу борада мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб давлат тасаруфида ёки давлат улуши юқори бўлган йирик корхоналарни акциядорлик жамиятларига (корпорацияларга) айлантириш белгиланган. Шу орқали уларга инвестиция ва янги замонавий инновацион технологияларни жалб этиб улар фаолиятининг юқори самарадорлигига эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мамлакатимизни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида – “... капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш” [2] – каби масалалар алоҳида қайд этилган. Корпоратив бошқарувнинг асосий кўриниши булган акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти пировардида:

- акцияларини жойлаштириш орқали капитал жалб қилишнинг қарз капитали жалб қилишга нисбатан арзон алтернативига эга бўлади;
- аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ўз навбатида аҳолининг акциялар орқали даромадини ошиб бориши натижасида ўрта мулкдорлар синфи шаклланишига шароит яратилади;
- ИПО ўтказиш орқали хорижий капитал жалб қилиш учун асос вазифасини бажаради.

Қолаверса, хорижий капитал иштирокидаги акциядорлик жамиятлари ёки корпоратив бошқаришнинг бошқа кўринишдаги корхоналар (маъсулияти чекланган жамиятлар)



ташқил қилиш натижасида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек – “Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” (1)

Хўш шундай экан, корпоратив бошқарув тизимида корхоналар фаолиятининг юқори самарадорлигига қандай қилиб эришиш мумкин? Бизнингча, корхоналардаги ички аудит хизмати корхонанинг ички имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан тўлиқроқ фойдаланишга, корхона ходимларининг ўз вазифаларини янада самаралироқ бажаришларига ва шулар натижаси улароқ, корхона фойдасини максималлаштиришга ёрдам беради. Ички аудитнинг асосий вазифаси ташкилотнинг ички назорат тизимини баҳолаш, молиявий маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш, хатарларни олдиндан аниқлаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга қўмаклашишдан иборат. У ташқи аудитдан фарқли равишда доимий, профилактик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлиб, нафақат камчиликларни аниқлайди, балки уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳам беради.

Мамлакатимизда ҳам ички аудит институти давлат ташаббуси билан қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш ва давлат улуши мавжуд корхоналарда корпоратив бошқарув даражасининг самарадорлигини ошириш мақсадларида шакллана бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215 сон қарори билан «Корхоналарнинг ички аудит тўғрисидаги» Низом тасдиқланди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «қимматли қозғалар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПК-475 сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан яна бири - “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири, 2014 йил 6 май, №ЗРУ-370) акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташқил этишни мажбурий деб белгилайди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятида ички аудит хизматини ташқил этиш тўғрисидаги намунавий низом” мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Ушбу низомга мувофиқ, ички аудит хизмати жамиятнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолайди, бошқарув органларига тавсиялар беради ҳамда жамиятнинг молиявий ҳисоботларидаги ишончлилиқ даражасини таъминлайди. Бундан ташқари, 2020 йил 24 январдаги Президент фармони ПФ–5921 (“Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”) ички аудитни халқаро амалиёт асосида ривожлантиришни миллий стратегиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилади.

Бугунги кунда ички аудит фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, Халқаро ички аудиторлар институти (IIA)



томонидан ишлаб чиқилган “Ички аудитнинг касбий амалиёти стандартлари” (IPPF) миллий амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу стандартлар хавфларни баҳолаш, назорат жараёнларини режалаштириш ва аудит ҳисоботларини тайёрлашда ягона мезонларни белгилаб, ички аудитнинг халқаро эътироф этилган услубини таъминлайди.

Ички аудит корпоратив бошқарув тизимининг муҳим бўғини сифатида суиистеъмолларнинг олдини олиш, коррупция хавфини камайтириш ва ташкилотда масъулиятли бошқарув маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, у акциядорлар ва инвесторлар учун ишончли ахборот манбаи бўлиб, молиявий барқарорликни мустаҳкамлайди ва компания обрўсини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, ички аудит корпоратив бошқарув тизимининг ажралмас қисми бўлиб, у шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарадорлик принципларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ ҳозирда жаҳон иқтисодиётида тез-тез кузатилаётган ва такрорланаётган молиявий инқирозлар ва бошқа бозор омилларининг салбий таъсирини олдини олиш ва уларга қарши туришда ҳамда бизнесни бошқаришдаги камчиликларни, шунингдек, уларнинг пайдо бўлишини олдини олишда ҳам ички назорат тизими ва ички аудит хизмати фаолиятини самарали ташкил этилишини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари компанияларида ички аудит функцияларига янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Жумладан халқаро молия бозорларига ўз акцияларини жойлаштиришни ёки ундан кредит олишни режалаштираётган компаниялар ички назоратнинг тегишли тизимини яратишлари шарт ва зарур бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар ва давлат қарорлари бу соҳани ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Халқаро стандартларнинг жорий этилиши эса миллий компанияларнинг инвестицион жозибadorлигини оширади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <https://president.uz/oz/lists/view/2228>
2. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. А.Ж.Туйчиев ва бошқ., «Ички аудит» Дарслик : “Иқтисод-молия”, 2019. 4 б